



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2015 йил 10 май, № 93 (6276)

Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎТГАНЛАРНИ ХОТИРЛАШ, КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ — БИЗНИНГ ФАРЗАНДЛИК БУРЧИМИЗДИР



Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда.

кўргани, “Сен етим эмассан” деб, уларнинг барчасини ўз бағрига олиб, **нафақат бош-пана бергани, ўз қалбини очиб, меҳр-мурувват кўрсатганини унутиб бўладими ўзи?!**

Хар қайси халқнинг одамлиги ва маънавий қадриятлари, меҳр-оқибат ва олижаноблиги ана шундай унутилмас дамлларда яққол намоён бўлади, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Бизнинг ота-боболаримиз бешафқат жанг майдонларида мардлик ва матонат кўрсатгани учун **уларнинг 338 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлгани**, минг-минглаб юртдошларимиз жанговар орден ва медаллар билан тақдирлангани — буларнинг барчасини халқимизнинг **фашизмга қарши курашда кўрсатган жасорати ва ботирлигининг амалий намоёиши, деб биламиз.**

Вақт ўтади, замонлар ўтади, деди Ислон Каримов, лекин Ватан озодлиги ва эркинлиги, эл-юртимизнинг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоя қилишда курашиб жон берган ўғлонларнинг номлари ва хотираси кўпни кўрган, ҳеч қачон ёвуз душман олдида бош эгмаган халқимизнинг ёдида умрбод, абадий сақланади. Бу фазилат эл-юртимизнинг эзгу одатига, қадриятига айлиб кетган.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, бундан 17 йил олдин 9 май — Ғалаба кунига юртимизда Хотира ва Қадрлаш куни деб ном бериб, нақадар тўғри иш қилганимизни вақт ўтиши билан бугун ҳаётнинг ўзи тобора тасдиқлаб бермоқда.

Бунинг яққол ифодасини пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг марказида ва жойларда барпо этилган Хотира майдонлари айни шу кунларда урушдан қайтмаганларни эслаш, уларнинг хотираси, арвоқлари олдида бош эгиш учун келган ёшу қарилар, аҳолимиз ва чет эллик меҳмонлар билан гавжум бўлганида кўриш, кузатиш мумкин.

Бу ҳақда сўз юритганда, энг аввало, бизнинг эътиборимиз марказида турган энг шарафли вазиғамиз — урушда қатнашган, бугун сафимизда бўлган, ҳар қадамда бизни қўллаб-қувватлаб келаётган фахрийларимиз ҳақида алоҳида гап-лашчи олишимиз зарур, деб биламан.

Ўйлайманки, ҳаммамиз яхши биламиз — биз яшаётган ҳаёт — бу оқар дарё, дейди халқимиз. Яъни бошқача айтганда, бу дунё ганимат эканини эсимиздан чиқармасдан, бешафқат урушда қатнашган, фронт ортида ўзини аямасдан меҳнат қилган ватандошларимизни қадрлаш, эъзозлаш, умрини узайтириш, уларни эслаб, ҳолидан хабар олиш, руҳини кўтариш — бундай эзгу ишлар барчамизнинг энг олижаноб бурчимиз бўлиши шарт.

Бу аввало раҳбарларнинг, вазифада ўтирганларнинг бурчи эканини, улар фахрийлар билан тез-тез учрашиб туриши, илоҳи борича уларнинг ҳаётидаги муаммоларининг ечимини топиши, бундай амалий эътиборнинг аҳамиятини ҳеч қачон эсидан чиқармаслиги зарур, деди Ўртбошимиз.

Бу борада “Кексаларни эъзозлаш йили” деб ном олган

жорий йилда, жумладан, 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан мамлакатимизда қандай кенг қўламли, катта чора-тадбирлар амалга оширилаётганини халқимиз, аввало, ҳурматли фахрийларимиз яхши биладилар.

Лекин ҳаёт дегани муаммосиз бўлмайди. Шу маънода, ёши улуг инсонларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг тиббий, маиший шароитларини янада яхшилаш биз учун доимо долзарб вазифа сифатида туриши даркор.

Инсон, халқ, миллат тарихий хотира билан тирик ва барҳаётдир.

Ҳеч шубҳасиз, Улуғ Ватан урушида барча халқлар билан бирга бўлиб, фашизм балоси устидан қозонган Ғалабамизни, бу урушда халқимиз кўрсатган матонат, мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини авлодларимиз асло унутмайди, жанг майдонларида бизнинг ўғлонларимиз нимага қодир эканини доимо гурур ва ифтихор билан эслайди, деди Ислон Каримов.

Шу борада биз ҳаётимизнинг бир ҳақиқатини ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак. Мана шу бешафқат урушда, жанг майдонларида қурбон бўлган ота-боболаримиз қандайдир тепалик ёки қандайдир “улуғ дохий” учун эмас, аввало, ўз юрти, ота-онаси, севган ёри, фарзандлари учун жон берган, “Қани энди, юртимни, ўзимнинг азизларимни яна бир бор кўрсам!”, деб ҳаётдан кўз юмган, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мана шундай ўз юртини севиш, бетакрор она-Ватанига садоқатли бўлиш, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган фазилат, десам, адашмаган бўламан.

Истиқлол даврида туғилиб вояга етган, мустақил ва янгича фикрлайдиган, буюк мақсадлар сари интилаётган фарзандларимиз ота-боболаридан мерос бўлиб қолган ўз юртини, туғилган тупрогини муқаддас деб билиши, унинг эртанги ёруғ кунини бутун бориғини бағишлашга, керак бўлса, жонини фидо қилишга тайёр бўлиши — буларнинг барчаси бугун ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ёшларимиз ҳаётининг узвий бир қисмига айлانган ҳаммамизга ишонч ва куч-қувват бағишлайди, деди Ўртбошимиз.

Мана шу дахшатли уруш ҳаёлимиздан ўтар экан, яна бир ҳақиқатни айтмасдан ўтишга ҳаққимиз йўқ.

Гап бошимиздан кечирган қонли ва бешафқат уруш бошқа ҳеч қачон қайтмаслиги, бундай фожиа ва қирғинларнинг олдини олиш ва улардан одамзодни асраш ҳақида кетмоқда.

Бугун бир фикрни ҳеч иккиланмасдан айтиш керак: бизнинг халқимиз кўпчилик халқлар қатори нимани истаиди, нимани хоҳлайди — бизга тинчлик керак, ҳар қанча омиллик керак! Эртанги кунимиз ёруғ, осмонимиз мусаффо бўлсин, барчамиз ўз орзу-ниятимизга етайлик!

Бизга, қолаверса, Ер юзидаги барча халқларга ана шундай, бир қарашда жуда оддий, лекин аниқ нарсалар керак!

Аммо минг афсуски, деб



таъкидлади Президентимиз, бунинг ўрнига бугун шиддат билан ўзгариб, тобора кескинлашиб бораётган дунёда, узок устидан қозонган Ғалабамизни, бу урушда халқимиз кўрсатган матонат, мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини авлодларимиз асло унутмайди, жанг майдонларида бизнинг ўғлонларимиз нимага қодир эканини доимо гурур ва ифтихор билан эслайди, деди Ислон Каримов.

Жаҳоннинг турли минтақа ва ҳудудларида қарама-қаршилик ва зиддиятлар, қонли можаролар, халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик каби хавф-хатарлар тобора кучайиб бормоқда, фашизм деган бало яна бош кўтармоқда, миллатчилик, шовинизм сингари офатлар майдонга чиқмоқда.

Бутун инсониятни ташвишга солаётган бундай мураккаб шароитда барча тинчликсевар кучларнинг саъй-ҳаракат ва имкониятларини ягона мақсад йўлида сафарбар этиш, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик кенгаши ва бошқа нуфузли халқаро институтларнинг ўрни ва таъсирини кучайтириш янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тобора кескинлашиб бораётган бундай вазиятда, таҳдид ва хатарларни ҳисобга олган ҳолда, бизнинг Ўзбекистонимизда олиб бораётган сиёсат халқимизга яхши маълум. Яъни биз узок ва яқин атрофимиздаги барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз, деб биламиз.

Биз дунёнинг турли ўлкаларида давом этаётган зиддият ва қарама-қаршиликларни фақатгина сиёсий йўл билан, тинчлик йўли билан ҳал этиш тарафдоримиз, деди давлатимиз раҳбари.

Биз ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокка қўшилмаймиз, Ўзбекистон ҳудудида чет эл ҳарбий базаларининг жойлашувига, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисидан бўлишга йўл қўймаслигимиз зарур, деб ҳисоблаймиз.

Биз бугун, ҳақиқатан ҳам, қандай гўзал, бетакрор заминда яшаймиз. Шу маънода, “Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?” деган саволни олдимизга қўйиб, ҳозирги ҳаётимизни кечаги кунимиз билан солиштирадиган, **қўйслайдиган бўлсак, ўйлайманки, орамизда Ватанимизнинг бугунги тараққиёти билан фахрланмайдиган, буни қадрламайдиган одамнинг ўзи йўқ, десам, адашмаган бўламан.**

Олдимизда турган энг

устувор вазифалар ҳақида гапирадиган бўлсак, деди давлатимиз раҳбари, энг муҳими, барчамизнинг бошлаган ишларимизнинг давомчиси бўлган, барча масъулиятимизни ўз зиммасига олишга қодир бўлган фарзандларимиз — ёшларимиз, янги авлодларимизга раво йўللари очиб беришга эътиборимизни янада кучайтиришимиз зарур ва уларни ҳар қандай бало-қазолардан асрашимиз керак.

Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан **“Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари” деган мавзуда тадқиқот ўтказилди ва унинг натижалари матбуотда эълон қилинди.**

Ана шу тадқиқотга кўра, **Ўзбекистонимиз мазкур рейтингда 158 мамлакат орасида 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллаган.**

Бу ниманинг далолати, бу ниманинг исботи?

Бу авваламбор мустақиллик даврида биз эришган улкан марраларни, иқтисодиётимиз барқарор суръатлар билан ривожланиётгани, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ошиб бораётгани ва бу ютуқларни дунё ҳамжамияти яна бир бор тан олаётганини кўрсатади, деб таъкидлади Президентимиз.

Энг муҳими, буларнинг барчаси кўпни кўрган, эртанги кунга катта ишонч билан яшаётган, иродаси бақувват, иймони бутун халқимизнинг меҳнати, мардлиги ва матонатининг натижасидир.

Буларнинг барчасини Ўзбекистонимиз Оллоҳнинг назари тушган табаррук юрт эканининг, Худонинг ўзи йўлимизни очиб бераётганининг тасдиғи, деб биламиз.

Бизнинг тилагимиз, истагимиз шуки, Яратганимиз биздан ўз марҳаматини дариг тутмасин, ёмон кўзлардан ўзи асрасин, эзгу ишларимизда доимо ўзи мададкор бўлсин, деди пировардида Ислон Каримов.

Шу кунни Мотамсаро она ҳайкали пойи гулларга бурканди. Хотира майдони оқомога қадар юрт тинчлиги ва озодлиги, авлодларнинг порлоқ истикболи учун жонини фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчилар билан гавжум бўлди.

Ў.А.

Сарвар ўрмончи,
Аъло Абдуллаев олган суратлар.

БУ АЗИЗ ВАТАНДА ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ,

Президентимиз ташаббуси билан 1999 йилдан буён мамлакатимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни сифатида кенг нишонланади. Бу санада ўтганлар ёдга олиниб, кекса авлод вакилларига меҳр-мурувват кўрсатилади. Уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, уларга совға-саломлар, муқофотлар улашилади. Ана шу эзгу аъёналар юртимизнинг барча ҳудудидида ўтказилган байрам тадбирларида яна бир бор яққол намоён бўлди.

ЖАСОРАТ, БУРЧ, МАТОНАТ

Ғамхўрликдан мунаввар диллар



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ

Нукус шаҳридаги Хотира майдонида бўлиб ўтди. Унда Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди.

— Давлатимиз томонидан биз, кексаларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликдан беҳад миннатдоримиз, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, чимбойлик Давлетяр Алламуратов. — Энг муҳими, бундай эътиромни нафақат байрамларда, балки ҳар куни, ҳар қадамда ҳис қилиб яшаймиз. Буларнинг бари юртимизда инсон манфаатлари устувор эканлигининг яққол тасдиғидир.



АНДИЖОН

фахрийларига ҳурмат-эътиром кўрсатилди. Жумладан, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, истироҳат боғларида уруш ҳамда меҳнат fronti фахрийларининг матонати, жасорати, қаҳрамонликлари, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимиз ҳақида суҳбатлар ўтказилди.

9 май куни эса Андижон шаҳридаги тубдан реконструкция қилиниб, қайта чирой очган Хотира ва қадрлаш майдони янада файзга тўлди. Бу ерда давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари ва ёшлар иштирокида ўтганлар ёдга олиниб, кексаларга эъзоз кўрсатилди. Шундан сўнг нурунийлар вилоят марказидаги "Тарона" тантаналар саройида бир пиёла чой устида дилдан суҳбат қуриб, хордиқ чиқардилар.



БУХОРО

100 ёшдан ошган нурунийга ҳам совға-саломлар улашилмоқда. — Шундай кунларга етказганига шукр, — дейди Бухоро шаҳрида яшовчи уруш қатнашчиси Жунайф Олимов. — Президентимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликдан беҳад миннатдоримиз. Бу эътибор кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшаётир. Байрамнинг асосий тадбири 9 май куни Бухоро шаҳридаги марказий истироҳат боғида бўлиб ўтди.



ЖИЗЗАХ

Хотира ва қадрлаш мажмуасида эрта тонгданок уруш ҳамда меҳнат фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳаллалар фаоллари, шунингдек, ёшлар жам бўлди. Улар Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди. Шундан сўнг уруш ва меҳнат фахрийларига байрам дастурхони ёзилди.



НАВОИЙ

ган "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медаллари ҳамда пул муқофоти, ҳомийларнинг совғалари уни бениҳоя тўққонлиқларга юборди.

Вилоятда уруш кўрган 112 нафар нуруний бор. Шунингдек, фронт ортида ишлаб, машаққатли кунларни бошдан кечирган 2250 га яқин меҳнат fronti фахрийси истикомат қилмоқда. Уларнинг бир қисми 9 май куни вилоятдаги Хотира майдонига тўпланди. Бу ерда байрам муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди.



НАМАНГАН

туширилган бўлиб, остига тўрт қатор шеър битилган.

— Мана, бир неча кундирки, хонадонимиздан меҳмонлар қадами узилмайди, — дейди Наманган шаҳрининг Яккасада маҳалласида истикомат қилувчи уруш фахрийси Турамирза ота Дадамирзаев. — Яқинда шаҳар ҳокимлиги вакиллари Юртбошимиз Фармони асосида "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медаллари, пул муқофоти ҳамда ўзларининг совғаларини топшириб, байрам қувончига қувонч қўйишди. Атроф неварачеварларим келтирган гулдасталар билан тўлди. Шунда Ватан равнақи йўлидаги фидойилик авлодлар томонидан муносиб қадрланаётганини кўриб, кўзимга севинч ёшлари келди.



Ҳаёт сабоғи

Иккинчи жаҳон уруши фахрийси Султон бобо Ҳасанов Юнусобод туманининг Оқтепа маҳалласида истикомат қилади.

■ ИБРАТ

Файзли хонадон кексасининг суҳбатини олган киши тинчлик, осойишталик деган улугъ неъматларнинг қадрини янада теранроқ англайди. Бугунги дориламон кунлар шукҳидан тетик, фарзандлари, яқинлари даврасида иззат-икромда умргузаронлик қилаётган отахон суронли уруш йиллари ҳамда боғлиқ хотираларини ҳамиша изтироб билан эслайди.

— Оиламизда уч эркак — отам ва биз, икки ака-ука эдик, — дейди Султон бобо. — Учовчимизнинг ҳам пешонамизга уруш заҳматидаги тортиш битилган экан. Отам оёғи билан кетиб... замбилда қайтди. Мен меҳнат фронтга отландим. Ёлғиз акам Мирғани эса бутун оиламизни фироғида куйдирди. Дастлабки йили акамдан олти тинчлик, осойишталик деган улугъ неъматларнинг қадрини янада теранроқ англайди. Бугунги дориламон кунлар шукҳидан тетик, фарзандлари, яқинлари даврасида иззат-икромда умргузаронлик қилаётган отахон суронли уруш йиллари ҳамда боғлиқ хотираларини ҳамиша изтироб билан эслайди.

— Оиламизда уч эркак — отам ва биз, икки ака-ука эдик, — дейди Султон бобо. — Учовчимизнинг ҳам пешонамизга уруш заҳматидаги тортиш битилган экан. Отам оёғи билан кетиб... замбилда қайтди. Мен меҳнат фронтга отландим. Ёлғиз акам Мирғани эса бутун оиламизни фироғида куйдирди. Дастлабки йили акамдан олти тинчлик, осойишталик деган улугъ неъматларнинг қадрини янада теранроқ англайди. Бугунги дориламон кунлар шукҳидан тетик, фарзандлари, яқинлари даврасида иззат-икромда умргузаронлик қилаётган отахон суронли уруш йиллари ҳамда боғлиқ хотираларини ҳамиша изтироб билан эслайди.

Яхшилик — умр мезони

Болалигим Иккинчи жаҳон уруши ортидаги азоб-уқубат, очарчилик ҳамда оғир меҳнатлар даврида ўтди. Инсон буларнинг барчасига чидаши мумкин, аммо маҳалладошларим, қариндош-уруғларнинг уйига тез-тез машъум хатларнинг келиши, ростки, ҳар қандай кишининг ҳам юрак-бағрини эзиб юборарди.

Шукрки, мамлакатимиз истиқлолга эришди. Иккинчи жаҳон урушида шитирок этган, бедарак йўқолган ҳамда ҳалок бўлган юртдошларимизнинг номи абадийлаштирилди. Хонадонларимиз файзи ва кўрки бўлган отахону онахонларга эса чексиз ғамхўрлик, эътибор кўрсатилмоқда.

Айниқса, жорий йилнинг юртимизда "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилингани нурунийларимизга бўлган эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг шу йил 6 мартдаги "1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармонида кўра, ҳудудимизда истикомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногиронларига етти юз минг сўмдан пул муқофоти берилди. Қолаверса, улар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган телевизор ҳамда мобил телефонлари билан бепул таъминланди. Худди шунингдек, Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрдаги "1941 — 1945 йиллардаги



уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, уруш ва меҳнат фахрийлари бир йилда бир маротаба ўзларига маъқул муддатда санаторий-соғломлаштириш сихатгоҳларида бепул дам олишлари белгилаб берилди. Бундай иззат-икром нурунийларнинг умрларига умр қўшиб, ҳаётига мазмун бағишламоқда.

Нафақадаги ўқитувчидан. Ёшларга тўғри йўлни кўрсатиш, таълим-тарбияли қилиш — энг олий бурчим. Уларга бугунги тинч, осуда ҳаётимизнинг қадри ҳақида гапиришдан чарчамайман. Зотан, бу кунларга осонликча эришилгани йўқ.

Эркин ЛАТИПОВ,
меҳнат фахрийси,
Тошкент вилояти

экан-да", чидамай иложинг қанча, дейман ўзимга ўзим. Билсангиз, у пайтда ҳеч кимга осон бўлмаган, лекин ҳаммадан ҳам онахонларимиз қийналгани рост. Шуларни эслаганда, ҳар доим бир гапни такрорлаб чарчамайман: онахонлар сочи бевақт оқармасин, келинчақлар чехраси гулгун бўлсин, гўдақлар юзи сарғаймасин, десак, тинчликни асрайлик, қадрига етайлик.

Султон бобо Ҳасанов уруш тугагач, пароканда рўзгорини тиклади. Қирқ йил темир йўл соҳасида ишлади. Икки фарзандни воёга етказди, ўқитди, уйли-жойли қилди. Етти неварини, тўққиз эваранинг ҳам бирин-кетин бўйи етиб, тўйларини ўтказишди. Тўқсондан ошиб қўлига ҳасса олмаган отахон маҳалла-қўйда неки байрам, неки маросим бўлса, ҳаммасига бош-қош.

— Бизга аталган яхши кунлар буюқда экан, мана. Юртимиз озод, турмушимиз обод,

кўнглимиз шод, — дейди Султон бобо. — Минг шукрки, кўчаларимиздан қурол тутган жангчилар эмас, келиннинг уйига никоҳга кетаётган кўевжўралар ўтади. Ўқ овозидан эмас, суннат тўйининг сурнайидан уйғонаймиз. Бутун мамлакатимизда тантаналар, эзгу амаллар бўлаяпти. Бундан ортиқ бахт борми?!

Ажаб, инсон боласи изтиробга тушганда ҳам, қувонганда ҳам кўзига ёш олади. Ҳалигина суронли йиллар даҳшатю ўғлини кутиб ўтган мушфик она қисматидан кўзи ёшланган бобонинг дийдалари тагин намланди. Фақат буниси хурсандчилик ёшлари эди...

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: Султон ота Ҳасанов набиралари даврасида.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

«Ўзбекистонда кексаларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш юзасидан самарали ижтимоий сиёсат юритилмоқда»

Ўзбекистоннинг Токиодаги элчихонасида мамлакатимизнинг замонавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиши мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Япония илмий академик, ишбилармон доиралари, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

■ ЭЪТИРОФ

Тадбирда мамлакатимиз миллий иқтисодиёти ривожланишининг барқарор юқори суратлари, ижтимоий-иқтисодий ва демократик ислохотлар ҳамда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши билан боғлиқ масалаларга асосий эътибор қаратилди.

Давра суҳбати чоғида мустақил ривожланиш йиллари давомида республикамизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосидаги кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга йўналтирилган демократик ҳуқуқий давлатни барпо қилиш бора-бора кенг қамровли ўзгаришлар рўй бераётгани кайд этилди. Шунингдек, саноат, модернизациялаш ва диверсификациялашга ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилаётгани таъкидланди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти

■ АНЖУМАН

Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан тадбир ўтказилди.

Фахрийлар ҳамиша ЭЪЗОЗДА

Ёзувчи ва шоирлар, навоийшунос олимлар, олий ўқув юртлири ўқитувчилари ҳамда талабалари қатнашган мазкур анжуманда мамлакатимизда ўтганларни хотирлаш, кексаларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш миллий маънавиятимизнинг узвий қисми экани алоҳида таъкидланди. Ёши улугъ инсонларни, айниқса, уруш ва меҳнат fronti фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш, уларга муносиб турмуш шароити яратиш борасида беқиёс ишлар амалга оширилаётгани кайд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 6 мартдаги "1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган юксак эътиборнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

— Биз уруш йиллари ўспирин эдик, — дейди Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳиби, академик Азизхон Қаюмов. — Ватанимиздан урушга отланган жуда кўп ўғлонлар жонларини фидо қилдилар. Биз кўрган қийинчиликларни ёшларимиз кўрмасин. Бу фараҳбахш дамлар жуда кўп азоблар эвазига қўлга киритилган, уни қадрламоқ керак. Юртдаги тинчлик — фаровонлик гаровидир. Хар бир юртдошимиз тинчликни асраш йўлида меҳнат қилса, ҳаёти гўзал ва мазмунли бўлади.

Тадбирда Ватан ҳамда тинчликни мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлар ижро этилди.

Б. ТОИРОВ.

дий имкониятларга эга бўлган Ўзбекистон билан ўзаро бизнесни йўлга қўймоқчи. Шу боис биз мамлакат бозорини ўрганиш мақсадида Ўзбекистонга боришни режалаштирганимиз.

Нориясу НИШИГАКИ,
"SAP Japan"
компанияси
бош менежери:

— Ўзбекистонда маданий меросни ўрганиш, уни авайлаб асраш ва тарғиб этиш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ишлар натижалари кўпгина давлатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин. Марказий Осиё минтақасининг энг муҳим мамлакатаи ҳисобланган Ўзбекистон улкан интеллектуал салоҳиятга эгадир. Унинг ядросини эса иқтидорли ёшлар ташкил этади. Шу билан бирга, республикада кексаларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш юзасидан самарали ижтимоий сиёсат юритилмоқда. Бу эса аҳолисининг кўпчилигини кекса авлод вакиллари ташкил қиладиган Японияда юксак қадрланади.

«Жаҳон» АА.
Токио

ЎТГАНЛАР ХОТИРАСИ МУҚАДДАСДИР



■ ...Навбатдаги қишлоқни озод қилган аскарларга яримвайрона уйлاردан бир тўда болалар пешвоз чиқишди. Юпун кийинган, оч, етим-есир бу ўғил-қизлар халоскор ҳарбийлар олдига бир бурда нон сўраб, чопқиллаб боришар, уларнинг чўпдек озгин қоматлари, уруш дахшатлари акс этган кўзларига боқиб, юрак алланечук бўлиб кетарди.

Ўшанда Абдурахмон Сирожев “Бу қирғинбарот жанглардан соғ-омон қолсам, она-юртимга қайтганимда, албатта, новвой бўламан, тан-дирдан эндигина узилган хушбўй ширмойнонларни, энг аввало, болақонларга улашаман”, дея ният қилганди. Тақдирнинг иноятини қарангки, у мақсадига етди. Урушдан кейин Вобкентга, қадрдон қишлоғи Бадўйга қайтиб, туманнинг манаман деган новвойларидан бирига айланди... “Бир йигитга қирқ хунар оз”, деганларидек, кейин дурадгорлики, устачиликни ҳам ўрганиб, қишлоқдошлари учун кўплаб иморатлар тиклаб берди. Турмуш ўртоғи Нуржиян Аҳмедова билан тўрт киш, икки ўғилни оқ ювиб, оқ таради. Қизлари Назира, Манзура, Нозик — ўқитувчи, Раъно эса

Саодатли дамлар шукронаси

Мурғаккина қалбида кўркув, ваҳима, айрилиқ, оху нолалар, ҳасрату надоматлар билан ўчмас из қолдирган уруш сўзини эшитганда, Рафоат ая сесканиб, титраб кетади. Унинг болалиги Иккинчи жаҳон урушининг совуқ нафаси аримаган, гулдек оилалар ғамхонага айланган, шубҳаю хавотирлар ҳукмрон бўлган даврга тўғри келди.

Айрилиқ азобидан гул-гул юзлари заъфарон, кўзлари нигорон, юрак-бағри қон, орзулари сароб қизлар, ёри висолига тўймаган келинчақлар, она бўлишдек бахт хабарини турмуш ўртоғи қулоғига шивирлаб айтолмагандарнинг аччиқ қисматиға сабаб эди уруш... Рафоат ая ҳам ана шундай кўргилиқларни бошдан кечирди. У отасини расмидан танирди. Онаси Холис ая одатда уруш ҳақида гапирмасди. Лекин тунлари иккала қизалоғини бағрига босиб йиғлаганида, сергак ва зийрак Рафоат онасининг сўзсиз ҳасратига шерик бўлиб бўзлар, урушни лаянлатар эди...

Холис ая “Эрқаги йўқ ҳовлида том босиб қолмасин”, деб қизалоқларини етаклаб шаҳарга иш ахтариб кетди, сўраб-суриштириб ижарага ўй топди. Улар яшаган ҳовли жуда хароб бўлиб, хона ўртасига устун ўрнатилган эди. Кузнинг совуқ кунларида томдан чакка ўтиб ўй сувга тўларди. Уй эгаси Ҳамрохон 23 ёшида уруш сабаб эридан, ёлғизгина укасидан айрилган, ҳайхотдек ҳовлида икки гўдаги билан қолганди.

Ая айрилиқ кунларини эсларкан, меҳрибон онаси, оккўнгил, меҳридарёб жигарлари, қариндошларини ҳам қўмсайди. Ён қўшниси Тошўлат тоғанинг оталарча ғамхўрлиги олдидан бош эгди. Урушда чап қўлидан ажраган бу одам чин саховат соҳиби бўлган. Бировнинг томини суваган ёки синган ойнасини бўтаган, кимнингдир мўрисини тўрилаган, қўйингки, маҳалладаги ҳамма хонадоннинг ғам ташвиши, бору йўғи, шоду хуррамлигидан хабардор инсон шу Тошўлат тоға эди.

Йиллар ўтди. Айрилиқдан қадди бўкилган юзлаб оналар қўлида тарбия топган Рафоат ая сингари болалар ҳозир нуруний отахон-онахонлардир. Уларнинг болалиқдаги армонлари бугун истиқлол фарзандлари мисолида орзу бўлиб ўшалди. Не бахтки, улар дориламон кунлар шуқуҳидан баҳраманд бўлиб, дилбандлар қалбиға шукроналик тўғусини сингдирмоқда.

Раъно ҲИММАТКУЛОВА.
Фарғона вилояти

ЭЗГУ НИЯТ ИЖОБАТИ

ҳамшира. Ўғиллари Абдурайим билан Абдуҳалим геология соҳасида ишлашади. Тўқсон ёшли пиру бадавлат отахоннинг 45 нафардан зиёд неварая эвараси бор. Улар ўлмаган чироқ шуъласи янглиг кўнглини чароғон этиб туришибди.

— Бугунги кунда Бухорода Абдурахмон ота каби Иккинчи жаҳон урушида қатнашган фуқароларнинг 164 нафари умргузаронлик қилмоқда, — дейди “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими раиси Юсуф Қурбоннов. — Уларнинг ҳар

бири эътиборда. Давлат ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан нафақат уруш ва меҳнат fronti фахрийлари, балки барча кексаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатила-япти. Президентимизнинг

эъозлаш йили” Давлат дастурига мувофиқ, биргина Бухоро вилоятида уларга ғамхўрлик қилиш, ҳаётларини янада яхшилаш, соғлиқларини мустаҳкамлаш каби эзгу юмушлар учун 182,6 миллиард

2014 йил 13 октябрда қабул қилинган “1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада қулайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва 2015 йилнинг “Кексаларни эъозлаш йили” деб эълон қилингани бу борадаги ишлар қамровини янада кенгайтирди.

Дарҳақиқат, нуруний отахону онахонларга меҳр-оқибат кўрса-тиш, рўзгор ташвишларини енгиллаштириш халқимиз маънавиятидаги эзгу фазилатлардан биридир. “Кексаларни

сўм миқдорида маблағ сарфлаш кўзда тутилгани бу фикрларни яққол тасдиқлайди. Зеро, нурунийларнинг оила ва жамиятдаги, ёшларимизни азаллий қадриятларимиз ҳамда аъналаримиз руҳида тарбиялашдаги ўрни бениҳоя катта.

— Минг қарра шукр, юртимиз тинч, турмушимиз фаровон, — дейди Абдурахмон ота. — Осойишталик ҳукм сурган жойда эса эзгу ишлар кенг қулоч ёзади. Масалан, биз, уруш ва меҳнат fronti фахрийлари, барча кексалар эл-юрт ардоғидамиз. Давла-

тимиз ғамхўрлигини доимо ҳис қилиб турамыз. Пенсия пули, Хотира ва Қадрлаш кунли олдидан бир йўла бериладиган мукофот пули, совға-саломлар, имтиёзлар, санаторийларда бепул дам олиш... Эҳ-хе буларнинг қайси бирини айтмай?! Хурмат-эҳтиром ва ғамхўрликдан бениҳоя мамнунмиз.

Отахон шу сўзларни айтиб турган паллада хонага бир гуруҳ болалар кириб келди. Улар тумандаги 4 ҳамда 17-умумтаълим мактабларининг ўқувчилари экан. Ўғил-қизларни кўриб, отахоннинг кўнгли ёришиб кетди. “Барака топинглар” деган кўйи дуога қўл очди. “Ўзбекистонимиз ҳамиша тинч бўлсин, дориламон кунларнинг қадрига етинглар, мустақилликка муносиб фарзанд бўлинглар”, дея уларга насиҳат қилди.

Зеро, бундай ўғитлар ёшларни эзгу мақсадлар сари чорлаши билан ғоят қадрлидир.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бухорога саёҳат

Самарқанд вилояти касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан бир гуруҳ меҳнат фахрийларининг Бухоро шаҳрига саёҳати уюштирилди.

Улар қадим шаҳар ўтмишидан сўзловчи меъморий обидалар, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишди. Шунингдек, бу ерда истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари билан яқиндан танишдилар.

— Ушбу сафар давомида кўплаб таассуротларга эга бўлдик, — дейди меҳнат фахрийси А. Мажинов. — Шундай обод ва озод диёрда яшаётганимизга шукроналар айтдик. Биз, қарияларни эъозлаб, иззат-хурмат кўрсатаётган Президентимиздан, давлатимиздан бениҳоя миннатдоримиз.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Бир пиёла чой устида

Юртимизнинг ҳамма жойларида бўлганидек, Иштихон туманида ҳам Хотира ва Қадрлаш кунли муносиб нишонланди. “Лазизжон” тантаналар масканида 420 нафар уруш ва меҳнат fronti фахрийсига алоҳида эҳтиром кўрсатилди. Тинч ва дориламон кунлар учун фидойилик кўрсатган муътабар инсонлар ҳамиша давлатимиз ғамхўрлиги ва меҳрибонлиги қуршовида эканлиги таъкидланди.

Иштихонлик уруш қатнашчилари Шакарбой Қувондиқов, Темир Кенжаев, Карим Сафаров, Тожимурод Худойбердиевнинг хонадонларига борган маҳалла фаоллари, жамоатчилик вакиллари, ёшлар табаррук инсонларга узоқ умр кўриб, соғ-саломат бўлишларини тилашди.

Исокул УМУРЗОҚОВ,
меҳнат фахрийси.
Муаллиф олган сурат.

Тинчлик тумори

■ Насиб этса, ҳадемай, юз ёш билан юзлашаман.
■ Кўпинча бизни таниган-билганлар, кўргани келганлар гап орасида узоқ яшашнинг сирини сўрашади. Шундай кезларда ярим ҳазил, ярим чин қилиб, “Эй, нимасини сўрайсизлар, бизлар олтмишга кирганда қариб, саксонга чиққанда ёшариб юрибмиз-да”, деб қўяман...

Аслида бу гапда муболаға йўқ. Биласиз, узоқ яшаган одамнинг кўрган-кечирганлари ҳам шунга яраша бўлади. Суронли уруш йиллари халқимиз не-не мусибатларни бошдан кечирганини ёши катталар яхши билишади. Арпа-бугдой ош бўлган, олтин-қумуш тош бўлган кезлар эди. Бошига қандай оғир савдолар тушмасин, бутун оламга фақат эзгулик, меҳр-муруват улашиб келган халқимизга аталган яхши кунлар мана бу ёқда экан. Қаранг, қандай жаннатмонанд юртда яшаямиз. Кўз ўнгимизда юз бераётган ўзгаришларни илгари ким, қачон кўрибди?! Турмушимиз фаровонлиги, дастурхонларимизнинг фойзини айтинг! Шаҳару қишлоқларимиздаги бунёдкорлик

ишларини кўриб, очиги, одамнинг ҳайрати ошади. Доимо дилмишда, тилимизда шукрона. Илгари бир иморатнинг бино бўлишини халқимиз бир неча ўн йиллаб кутарди-да, ахир! Невараларим бири-бирига гал бермай, машинасига солиб, тез-тез пойтахт зиёратиға олиб келишади. Хар қадамда ўзгариш, янгилиниш. Шу ўзимиз билган Тошкентми, деса-ман қулишади. Ҳаммаёқ обод. Менинг кўз ўнгимда худди шу гўшанинг тупроғини чангитиб, фронтга отланган норғул пайтларим гавдаланади.

Уруш йиллари ортимдан қора хат келган экан. Ўшанда йигирма беш йил пайпаслаб ўстирган боласидан, жигаридан тирик жудо бўлган ота-онам, яқинларим чеккан ғам-

қайғуни ўйласам, эзиламан. Бу уруш деган касофат одам бошига нималарни солмайди-я, деб фигоним фалакка чиқади. Пешонада бор экан, қўғина қисматдошларим каби она-юртга қайтиш, яқинлар меҳри, дийдорига тўйиш насиб этди.

Энг муҳими, юртимиз озодлигини кўрдик. Бугун эса унинг обод жамолига қараб қувонаямиз. Меҳр-оқибатли халқимиз, бағрикенг, ғамхўр Президентимизнинг иззат-эътиборидамыз. Кунли кеча бизга атаб ёзилган дастурхон атрофида ўтирарканам, бунга яна бир бор ҳис қилдим. Туманимизда яшаётган ўн етти нафар уруш қатнашчиси, йигирмадан ортик меҳнат fronti фахрийлари бир даврада жам бўлиб, мириқиб гурунг қилдик. Тадбир ташкилотчилари давлатимизнинг биз, нурунийларга ажратган туҳфаларини тортик эттишди. Энг қувонганим эса Президентимиз Фармониға мувофиқ, “Иккинчи жаҳон урушидаги Галаба-

нинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медали билан тақдирланганим бўлди. Бу нишонни ўзимча “Тинчлик тумори” дегим келди.

Рост-да, юртда осудалик бўлмаса, бундай байрамлару иззат-икром қаяқда эди?! Шундай экан, ана шу неъматларнинг қадрига етайлик. Юртимиздаги тинчлик ва хотиржамликка кўз тегмасин, деб дуо қиламиз. Бир аср яшаб, ҳаётдан топган ҳикматим шу бўлдики, шукроналик — уму зийнати экан. Сабру қанотли одамнинг кўзи ҳам, кўнгли ҳам тўқ бўлади. Хонадонидан фойз-барака аримайди. Бугунги саодатли кунлардан баҳра олиб, эртанинг бунданда ёруғ бўлишидан умидвор яшаган одамнинг умрига умр, ризқига ризқ қўшилади.

Охангоровлик Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Исмоил бобо ЖУРАЕВнинг дил сўзини «Халқ сўзи» мухбири Ғайрат ШЕРАЛИЕВ ёзиб олди.

бўлиб юрт равнақиға ҳисса қўшсак, деймиз. Ваҳолонки, шундоқ ҳам ёшларнинг ёнидамыз. Ўз тажрибамиз, ҳаёт йўлимиз билан уларга тўғри йўл кўрсатишга доимо интиламиз. Уч авлод учрашувлари, турли мулоқот ва суҳбатларда фарзандларимизни тинч ҳамда фаровон ҳаётга шукрона айтишга, уни асраб-авайлаш ва эъозлашга ўргатамиз. Зеро, ҳаёт давомиёйлигининг энг муҳим шартини ҳам шу!

Ҳасан ЖААББОРОВ,
“Эл-юрт хурмати” ордени соҳиби,
меҳнат фахрийси.
Кармана тумани

Ғамхўрликдан мунаввар диллар

Вилоят марказидаги Хотира майдонида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган 48 минг 500 нафар ота-бобомиз номлари абадийлаштирилган. Зарҳал китобларда қайд этилган ана шу фидойи инсонлар байрам арафасида уларнинг фарзандлари, яқинлари, дўст-биродарлари томонидан яна бир бор ёдга олинди. 9 май кунли бу ерда ташкил қилинган маросимда эса ўтганлар хотирасига хурмат бажо келтирилди.

— Вилотимизда 6074 нафар уруш ва меҳнат fronti фахрийси умргузаронлик қилаётти, — дейди “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими раиси Ҳасан Нормуродов. — Президентимиз фармонлари асосида улардан 1074 нафарига “Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медали ҳамда пул мукофотлари топширилди.

56 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 1300 нафардан ортик фронт ортда меҳнат қилган фахрийларга байрам арафасида “Қамолот” ЕИҲ, Ўзбекистон фахрийларини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси вакиллари томонидан алоҳида иззат-икром кўрсатилди. Уларга “Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медали, пул мукофотлари, телевизор, мобил телефонлари, дори-дармонлар, озик-овқат маҳсулотлари тантанали равишда топширилди. Байрам арафасида 40 нафардан зиёд нурунийлар хомийлар ташаббуси билан Тошкент шаҳрида бўлиб, пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик жараёнлари билан танишдилар, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишди.

Мамлакатимиз жанубида жойлашган ушбу вилоятда ҳам 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунли кенг нишонланди. Хусусан, барча туман ва шаҳарларда давлат ҳамда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўқувчилар, талабалар, уруш ва меҳнат fronti фахрийлари иштирокида маънавий-маърифий тадбирлар, уч авлод учрашувлари ўтказилди. Аънаана мувофиқ, бу галги айём арафасида вилоятдаги муқаддас қадамжолар, тарихий обидалар, қабристонлар, маҳалла гузарлари ободонлаштирилди, янги гулзорлар ташкил этилди.

Хотира майдонида ўтказилган тадбирда сўз олганлар бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизнинг қадрига етиш, шукроналик тўғусини ҳис қилиш, уруш ва меҳнат фахрийларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритдилар.

Бўлиб ўтган маросимларда бугунги дориламон кунлар учун жонфидо этган юрт фарзандлари ёд этилиб, нурунийларимизга алоҳида эҳтиром кўрсатилди. Санага бағишланган асосий тантанали маросим Олмалик шаҳридаги Хотира майдонида ташкил қилинди. Кенг қўламли таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларидан сўнг сўлим ҳамда қўрқам қиёфа касб этган муаззам майдон уруш ва меҳнат фахрийлари, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳаллалар фаоллари, ёшлар билан гавжум бўлди.

Кутлуг сана муносабати билан уюштирилган тадбирларда 462 нафар нурунийга “Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медали топширилди. Шунингдек, Мудофаага қўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти, Касабаси уюшмалари вилоят Кенгаши, вилоят “Дори-дармон” бошқармаси ҳам саховат тадбирларига муносиб ҳисса қўшди. “Маҳалла” хайрия жамоат фонди томонидан эса фахрийларга замонавий телевизорлар туҳфа қилинди.

Вилоят марказидаги Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиш маросимида кекса авлод вакиллари бугунги дориламон кунлар, тинч-осойишта ҳаётимиз учун шукроналик тўғуларини изҳор қилдилар.

Жасорат, бурч, матонат. Бу сўзлар замиридаги теран маънолар юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида чинакам мардлик ва фидойилик намуналарини кўрсатган, ўз меҳнати билан мамлакат ободлиги ҳамда равнақиға ҳисса қўшиб яшаган ҳар бир инсоннинг умр йўллари-рини ёритиб туради. Хоразмда Хотира ва Қадрлаш кунли муносабати билан ўтказилган тадбирларда мазкур эътирофлар қайта-қайта янгради. Юртнинг мард ўғлонлари номи, уларнинг жасорати тилга олинди. Хусусан, Урганч шаҳридаги Хотира майдонида уруш ва меҳнат фахрийлари, қорхона ҳамда ташкилотлар фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари ва талаба-ёшлар Мотамсаро она ҳайкали пойига тантанали равишда гулчамбарлар қўйиб, Иккинчи жаҳон урушида қатнашган фидойи ота-боболаримизнинг иродаси, матонати олдидан бош эгдилар.

— Инсон ёши улғайгани сайин эътибору эъозга эҳтиёжи ортиб бораверар экан, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Нишон туманилик Дўсмурод бобо Назаров. — Шу боис баъзида бир оғиз ширин сўздан ҳам кўнглим тоғдек кўтарилиб кетади. Атрофимда фарзандларим, неварая чевараларим гиргиттон. Маҳалла-қўй, қўни-қўшнилардан миннатдорман. Хол сўрашни қанда қилишмайди. Юртбошимизга минг раҳмат. Байрам муносабати билан “Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медали ҳамда пул мукофоти билан тақдирландик. Бугун бундай ғамхўрликдан чексиз миннатдоримиз.

Хотира ва Қадрлаш қўниға бағишланган бундай тадбирлар туман ҳамда шаҳар марказлари, чекка ва олис қишлоқларда ҳам кўтаринки руҳда нишонланди.

«Халқ сўзи» мухбири хабарлари асосида тайёрланди.



САМАРҚАНД



СИРДАРЁ



СУРХОНДАРЁ



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ



ФАРҒОНА



ХОРАЗМ



ҚАШҚАДАРЁ

Юксак марраларни кўзлаган авлод

Сурхондарё вилоятида “Биз — буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остида ўтказилган ёшлар фестивалида 41 минг нафардан зиёд ўғил-қиз иштирок этди. Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги муносабати билан “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил қилинган ушбу акция доирасида воҳадаги барча таълим муассасаларида ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва маданий мавзуларда учрашувлар, давра суҳбатлари, танлов ҳамда семинарлар уюштирилди.

ФЕСТИВАЛЬ



Фотосур. АБДУРАСУЛОВ (ЎА) оғил юрғот

Тадбирларда депутатлар, ёзувчи-шоирлар, олимлар, актёрлар ҳамда таниқли эстрада хонандлари қатнашгани фестивал нуфузини янада оширди.

“Хеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!”, “Сиз севган қаҳрамонлар”, “Оммавий маданият” ва ёшлар маънавияти”, “Депутат ва ёшлар”, “Замонамиз қаҳрамонлари” каби 15 га яқин лойиҳалар сурхондарёлик йигит-қизларда катта таассурот қолдирди.

“Президентимиз асарлари билимдон”, “Иқтидор эгаси — обод юрт эртаси”, “Кувноқлар ва зукколар”, “Заковат” танловлари эса янги авлод вакилларига ўз истеъдод ҳамда салоҳиятларини намойиш этишга кенг имконият яратди.

Айниқса, Термиз шаҳридаги мухташам “Ёшлар маркази”да ўтган учрашув ниҳоятда қизгин кечди. Мулоқот чоғида воҳада ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилиши юзасидан кўплаб

ижобий фикрлар, мулохазалар ва амалий таклифлар билдирилди. Хусусан, йигит-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш, бандлигини таъминлаш, таълим сифатини ошириш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

— Бугун ёшларимиз

Фестиваль якунида вилоят марказидаги “Сурхон” спорт мажмуасида тантанали маросим ўтказилди. Унда фаол қатнашчиларга қимматбаҳо совғалар топширилди. Таниқли эстрада хонандалари иштирокидаги гала-концерт тадбирга янада файз киритди.

Гулбаҳор ТАНИРОВА.

Огоҳликка ундовчи дарслар

Юртимиз таълим муассасаларида 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари, Куролли Кучлар ветеранлари, ҳарбий хизматчилар иштирокида “Тинчлик дарслари” бўлиб ўтди. Пойтахтимизнинг Олмасор туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактабида ҳам ана шундай машғулот юқори савияда ташкил этилди.

ТАДБИР

Юртимиз тинч, осмонимиз мусоффо. Бу бебаҳо неъматлар туфайли мамлакатимиз кундан-кун чирой очиб, халқимизнинг ҳаёти фаровонлашиб бораётди. Фарзандларимиз мухташам таълим масканларида замонавий асосда, ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда пухта билим олишмоқда. Бунинг замирида истиқлол берган кенг имкониятлар, тинчлик ва фаровонлик мужассам, албатта. Демак, бугунги бахтиёр кунларимизнинг кадрига етиш, асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1999 йилдан буён юртимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш кuni сифатида

кенг нишонланиб келинаётгани тинчлик йўлида жонфидо қилган ота-боболаримизнинг хотирасини муқаддас билиш, кексаларимизга алоҳида эъзоз ва эҳтиром кўрсатишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, жорий йилнинг мамлакатимизда “Кексаларни эъзозлаш йили” деб номлангани ҳам катта авлод вакилларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир ифодасидир.

“Тинчлик дарси”да нурунийларимизнинг босиб ўтган ҳаёт йўллари, бугунги дориларом кунлар ҳақида сўз юритилди.

— Ҳеч бир замонда нурунийларга бунчалик иззат-икром кўрсатилмаган, — дейди пойтахтимизнинг Беруний маҳалласида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қат-

нашчиси Абдулла ота Аюпов. — Шифокорлар саломатлигимиздан доимо хабардор. Эндilikда бир йилда бир мартаба санаторийларда бепул дам олишимиз мумкин. Бундан ташқари, фарзандлар, набиралар, маҳалладошлар, умуман, ёш авлод вакилларининг хурмат, эҳтиромини айтмай-сизми?! Булар одамнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади. Энг муҳими, тинч, осуда ва фаровон кунларда яшаймиз. Бунинг кадрига етиш, доимо хушёр ва огоҳ бўлиш, айниқса, ёшларимизнинг биринчи галдаги бурчидир.

— Ҳозирги осойишта ҳаётимизга осонликча эришилмаганини “Жасорат, бурч, матонат” шиори остида бўлиб ўтган “Тинчлик дарси”да янада чуқур англаб етдик, — дейди ушбу мактабнинг 8-синф ўқувчиси Азиз Кўчқоров — Демак, биз мустақкам билим олиб, юртимиз тараққиёти учун хизмат қилишимиз шарт.

Дилмурод СОДИҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Истеъдод эгалари сараланди

Унда санъатнинг рангтаъсир, ҳайкалтаърошлик, графика, либос дизайни каби йўналишларида оид 60 дан ортиқ ижодий ишлар кўргазмаси ташкил қилинди. Ўзтиборлиси, маъруза йўналишлар бўйича тақдим этилган санъат асарла-

ри ўзига хослиги, бетакрорлиги, ранглар жозибаси билан иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Асосийси, фестивал доира-сидаги тадбирларнинг табиат қўлинида, очик осмон остида ташкил этилгани барчага ўзгача кайфият бағишлади.

Тадбир якунида бешта йўналиш бўйича ғолиб ва совриндорлар номи аниқланди, уларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДУНЁ НИГОҲИ

Таиланд Қироллигининг Рангсит университетиде Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти мавзусига бағишланган семинар бўлиб ўтди. У мамлакатимизнинг Бангкокда Бош консуллиги томонидан уюштирилди.



Муваффақиятларимиз эътирофи

БИЗНИНГ МАЪЛУМОТ:

Рангсит университети Таиланддаги ҳисоблаш техникаси, илм-фан, бошқарув ва лойиҳалаштириш соҳаларига ихтисослашган мутахассисларни тайёрлайдиган хусусий олий ўқув юрти ҳисобланади. Ҳозирги пайтда маърузиатнинг 92, магистратуранинг 36 та йўналишида ҳамда докторантуранинг 9 дастури бўйича тахсил олиб борилмоқда.

Рангсит университети раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар таркиби ҳамда талабалар иштирокида ўтган ушбу тадбирда семинар қатнашчилари Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йиллари давомида кўлга киритган улкан муваффақиятлари билан яқиндан танишди.

Шу билан бирга, семинар доирасида мамлакатимиз халқининг маданияти, тарихи ва сайёҳлик салоҳияти мавзуларини камраб олган бой маълумотлар бўлмаси ҳам ташкил этилди.

Тақдим қилинган долзарб ва қизиқарли маълумотлар учун ўз миннатдорлигини изҳор этар экан, ушбу университет тизимидаги Дипломатия ва халқаро тадқиқотлар институтининг декани Сомпонг Сангуанбун мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ҳамда жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳасида эришилаётган муваффақиятларга юқори баҳо берди.

— Ўзбекистон дунёдаги шитоб билан ривожланаётган мамлакатлардан

бири ҳисобланади, — деди у. — Ўзбеклар замини неча-неча асрлар давомида маданият, илм-фан ва санъат маркази бўлиб келган. Бу ўлка жаҳон цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшган Абу Райҳон Беруний, ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ҳамда бошқа кўплаб аллома ва мутафаккирларга бешик бўлган.

«Жаҳон» АА.
Бангкок

ЭЪЛОН

«Universal auktsion invest» МҶС Сурхондарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдоларига таклиф этади.

2015 йил 9 июнь кuni соат 11.00 да ўтказиладиган очик аукцион савдосига Шеробод тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти Хўжалик судининг 2013 йил 29 январдаги 19-1203/17991-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Давлат-тижорат Халқ банки Шеробод филиалида сақланаётган, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 48-64 CM бўлган, «MT3-80X» русумли трактор қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 13 475 000 сўм.

2015 йил 25 май кuni соат 11.00 да ўтказиладиган очик аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан хатланган, Термиз шаҳар ИИБ ИХХБ Термиз шаҳар ХАН, Сарисий тумани ИИБ ИХХБ жарима майдончаси ва Суд департаменти Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси ҳовлисида сақланаётган куйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* ЖИБ Қизирқ тумани судининг 2014 йил 2 июлдаги 1-170-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Nexia DOHC 150» русумли, давлат рақами 75 K 081 FA.

Бошланғич баҳоси — 28 550 587,50 сўм.

* ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 13 августдаги 1-313-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган «ГБА СПГ Spark BDDB3» русумли, давлат рақами 75 Q 390 DA.

Бошланғич баҳоси — 21 199 725 сўм.

* ЖИБ Қизирқ тумани судининг 2013 йил 18 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, ишлаб чиқарилган йили номаълум, «HONDA» русумли, давлат рақамисиз.

Бошланғич баҳоси — 2 307 865,41 сўм.

Термиз Ҳарбий судининг 2011 йил 3 июндаги ижро варақасига асосан хатланган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗИЛ-133 ГЯ» русумли, давлат рақами 19 K 15 26.

Бошланғич баҳоси — 2 137 757,53 сўм.

* ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2013 йил 12 сентябрдаги 02-60-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz» русумли, давлат рақами 75 057 TTA.

Бошланғич баҳоси — 11 737 012,50 сўм.

* ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 21 июлдаги 1-344-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz» русумли, давлат рақами 75 F 644 FA.

Бошланғич баҳоси — 18 982 282,50 сўм.

* ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2013 йил 4 ноябрдаги 02-85-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, «Tico» русумли, давлат рақами 75 B 372 DA.

Бошланғич баҳоси — 8 041 275 сўм.

* ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 15 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Nexia DOHC» русумли, давлат рақами 01 R 049 SA.

Бошланғич баҳоси — 31 286 106 сўм.

* ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2014 йил 5 ноябрдаги 02-68-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган куйидаги автотранспорт воситалари:

* 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Nexia DOHC» русумли, давлат рақами 75 M 711 AA.

Бошланғич баҳоси — 25 110 000 сўм.

* 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Damas»

русумли, давлат рақами 75 V 488 EA.

Бошланғич баҳоси — 24 300 000 сўм.

* 2001 йилда ишлаб чиқарилган, «Tico» русумли, давлат рақами 75 Q 892 EA.

Бошланғич баҳоси — 5 130 000 сўм.

* 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Matiz» русумли, давлат рақами 75 C404 FA.

Бошланғич баҳоси — 16 605 000 сўм.

* 2011 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz BEST» русумли, давлат рақами 75 U 551 EA.

Бошланғич баҳоси — 16 993 314 сўм.

* 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Matiz» русумли, давлат рақами 75 A 128 FA.

Бошланғич баҳоси — 16 200 000 сўм.

* ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2015 йил 16 январдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Erica BDA» русумли, давлат рақами 75 T57 DAA.

Бошланғич баҳоси — 71 440 000 сўм.

* ЖИБ Қизирқ тумани судининг 2014 йил 22 октябрдаги 1-1-308-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia GTLB3» русумли, давлат рақами 75 D 717 BA.

Бошланғич баҳоси — 31 293 000 сўм.

* ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 20 октябрдаги 1-436-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, «Spark» русумли, давлат рақами 75 O 013 CA.

Бошланғич баҳоси — 24 562 863 сўм.

* ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 11 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Damas» русумли, давлат рақами 75 V 236 EA.

Бошланғич баҳоси — 25 110 000 сўм.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2015 йил 25 майдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2015 йил 9 июнь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш: 2015 йил 25 майдаги аукцион савдосига — 2015 йил 21 май кuni ва 2015 йил 9 июндаги аукцион савдосига — 2015 йил 5 июнь кuni соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal auktsion invest» МҶС Сурхондарё вилояти филиалининг ХАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги МФО: 01063, СТИР: 302083379, 20208000204932168018 ҳисоб рақамига тўлашлари ва куйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинди.

Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:
Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси.
Мурожаат учун телефон: (+99891) 577-03-00.

«Universal auktsion invest» МҶС Сурхондарё вилояти филиали

томонидан «Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 29 апрелдаги 84 (6267)-сониде чоп этилган эълондаги аукцион савдосига қўйилган, Ангор тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти Хўжалик судининг 2013 йил 12 ноябрдаги 19-1303/10197-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Omad-technology» ММТП МҶСга тегишли бўлган, техникаларни сақлаш жойида сақланаётган куйидаги автотранспорт воситалари: 2005 йилда ишлаб чиқарилган «Nexia DOHC» русумли, давлат рақами 75 336 FA, бошланғич баҳоси 2 110 000 сўм ўрнига 12 110 000 сўм ва 2005 йилда ишлаб чиқарилган «ТТЗ 80.11» русумли трактор, давлат рақами 2892 EO, бошланғич баҳоси — 3 860 000 сўм ўрнига 13 860 000 сўм деб, ўқилсин.

Гувоҳнома № 004059.

ТАНЛОВ

Қарши шаҳрида тасвирий ва амалий санъат фестивалининг вилоят босқичи якунланди. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ёш рассомлар ва амалий санъат усталари иштирокида ўтказилган маъруза тадбирига Қарши давлат университети талабалари, Қарши санъат, маданият ҳамда туризм, педагогика коллежлари, шунингдек, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари таклиф этилди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 567. 119 619 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқуб олш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаяв томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Д. Улмуҳурдов.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.35 Топширилди — 21.45 1 2 3 4 5